

TALQIN VA TADQIQOTLAR

ILMIY-USLUBIY JURNALI

IMPACT FACTOR 8.2

Yuqori impact factor 8.2 ga ega bo'lgan Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnaliga qabul qilingan maqolalarga 3 ish kunida DOI raqam olinadi va Directory of Research Journals Indexing Zenodo, OpenAire, Cyberleninka, Google scholar (10 ish kuni) kabi xalqaro ilmiy bazalarda indekslanadi va jurnal belgilangan sanada to'liq shaklda www.talqinvatadqiqotlar.uz rasmiy saytiga joylanadi.

Jurnalga quyidagi yo'nalishlar bo'yicha maqolalar qabul qiladi: Fizika-matematika fanlari, Kimyo fanlari, Texnika fanlari, Iqtisodiyot fanlari, Falsafa fanlari, Filologiya fanlari, Pedagogika fanlari, Psixologiya fanlari, Sotsiologiya fanlari, Geologiya va mineralogiya fanlari, Tarix fanlari, Geografiya fanlari, Yuridik fanlari, San'atshunoslik fanlari, Arxitektura fanlari, Biologiya fanlari, Qishloq xo'jaligi fanlari, Tibbiyot fanlari, Farmatsevtika fanlari, Veterinariya fanlari.

talqinvatadqiqotlar.uz

+99891-152-93-14

talqin@bk.ru

№10(68)
30.9.2025





TALQIN VA TADQIQOTLAR

ILMIY - USLUBIY JURNALI

BARCHA SOHALAR BO‘YICHA

Impact Factor: 8.2 | № 10(68)

30.09.2025



talqinvatadqiqotlar.uz

Talqin va tadqiqotlar

ilmiy-uslubiy jurnal

scientific-methodical
journal

научно-методический
журнал

Bosh muharrir:
I.I.Abdumannonov

Mas'ul muharrir:
O.S.Isroilov

Jurnal bir oyda ikki marta
chop etiladi.

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti
Administratsiyasi
huzuridagi Axborot va
ommaviy kommunikatsiya
agentligida 2022- yil
12 - fevralda 1540 raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2181 - 3035

Jurnaldan maqola ko'chirib
bosilganda, manba
ko'rsatilishi shart.

Tel: +99891-152-93-14
E pochta: talqin@bk.ru
Сайт: talqinvatadqiqotlar.uz

Tahrir kengashi:

Muydinov Erkin Djamaldinovich

*Toshkent Moliya Instituti Andijon fakulteti
dekani*

Iqtisod fanlari nomzodi, dotsent

Mamatov Obidxon Vaqqosovich

*Namangan davlat universiteti "Milliy
g'oya, ma'naviyat va huquq asoslari"
kafedrasini mudiri, falsafa fanlari nomzodi*

Masharipova Gularam Kamilovna

*Falsafa fanlari doktori, professor
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat
instituti*

Qozoqov Tohirjon Qodiraliyevich

*Namangan Impuls tibbiyot instituti, tarix
fanlari nomzodi, dotsent*

Zokirov Sanjar Ikromjon o'g'li

*TATU Farg'ona filiali, Kompyuter tizimlari
kafedrasini mudiri
fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa
doktori*

Ibragimova Mavluda Ro'zmetovna

*Kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori
O'zR FA Umumiy va noorganik kimyo
instituti katta ilmiy xodimi*

Jo'rayeva Sobira Eshqurbonovna

*O'zMU jurnalistika fakulteti, o'zbek
adabiyotshunosligi kafedrasini katta
o'qituvchisi, filologiya fanlari bo'yicha
falsafa doktori*

Djurayev Muxammadrizo Mamurovich

*Qo'qon davlat pedagogika instituti,
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori
Komilov Rustamjon Maxamadovich
Farg'ona davlat universiteti Agrar
qo'shma fakulteti "Aholi tomorqalaridan
samarali foydalanish va dorivor
o'simliklar" kafedrasini katta o'qituvchisi,
q.x.f.f.d (PhD)*

Sattorov Vaxob Naqshbandovich

*Alisher Navoiy nomidagi O'zbek tili va
adabiyoti institutida "Gumanitar va
Ijtimoiy" fanlar kafedrasida dotsenti
Sodiqova Gulbarno Odiljon qizi
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
O'zbek tili va adabiyoti universiteti Ijtimoiy
gumanitar fanlari kafedrasini katta
o'qituvchisi psixologiya fanlari bo'yicha
falsafa doktori*

Tahrir kengashi:

Raxmonov Elyor Abdullajonovich

*Qo'qon davlat pedagogika instituti Tarix
kafedrasini o'qituvchisi,*

tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

Jepbarova Sayat Qurbanmiratovna

*Qoraqalpoq davlat universiteti Turkman
tili va adabiyoti kafedrasini dotsenti*

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich

*Farg'ona davlat universiteti mevachilik va
sabzavotchilik kafedrasini mudiri
q.x.f.f.d (PhD)*

Bazarov Otabek Odilovich

Qo'qon davlat pedagogika instituti, PhD

Azizov Olimjon Toxirovich

*Toshkent kimyo texnologiya instituti
GSKMT kafedrasini dotsenti*

Rahimova Maftuna Odilovna

*Qo'qon davlat pedagogika instituti, PhD
Mirzaahmedova Kamola Toxirovna
Toshkent pediatriya tibbiyot instituti
farmakologiya, fiziologiya kafedrasini
dotsenti*

Djumaniyozova Enajon Kutimovna

*Toshkent arxitektura qurilish instituti
xorijiy tillar kafedrasini katta o'qituvchisi*

Urazmetova Shoirazat Azatbayevna

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi
Toshkent axborot texnologiyalar
universiteti Urganch filiali o'qituvchisi,
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

Djurayeva Dilnoza Shakirjonovna

*Termiz davlat universiteti algebra va
geometriya kafedrasini o'qituvchisi,
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

Maxkamova Dilafruz Yuldashevna

O'zbekiston Milliy universiteti

Tuproqshunoslik kafedrasini dotsenti

Usmonov Odil Kamilovich

*FarDU Axoli tomorqalaridan samarali
foydalanish va dorivor o'simliklar
kafedrasini dotsenti, q.x.f.n*

Nazarova Nargiza Mustaqimovna

*Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi,
texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

Hazratqulov Mutallib Rashidovich

Samarqand davlat universiteti

*«Maktabgacha, boshlang'ich va
texnologiya» kafedrasini dotsenti*

БОЛТАЕВ М.Н. – МУСТАҚИЛЛИК ДАВР ФАЛСАФА ТАРИХИНИ РИВОЖЛАНТИРГАН УСТОЗ

Наврўзова Гулчехра Нигматовна

Бухоро техника университети “Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият”

кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

premium.progress@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович (16.10.1928 - 08.03.2009) ни мустақиллик даврида фалсафа тарихини ривожлантириб, тасаввуф фалсафасига махсус эътибор берганликлари асосланган.

Калит сўзлар: Болтаев М.Н., мустақиллик, фалсафа тарихи, тасаввуф фалсафаси, накшбандия.

БОЛТАЕВ М.Н. – УЧИТЕЛЬ, РАЗВИВАВШИЙ ИСТОРИЮ ФИЛОСОФИИ В ЭПОХУ НЕЗАВИСИМОСТИ

Наврўзова Гулчехра Нигматовна

Профессор, доктор философских наук, кафедра «Социальных наук и физической культуры» Бухарского технического университета Тел:

premium.progress@mail.ru

Аннотация: Статья подготовлена на основе труда заслуженного деятеля науки Узбекистана, доктора философских наук, профессора Болтаева Мухаммада Назаровича (16.10.1928 - 08.03.2009), который разрабатывал историю философии в период независимости и особое внимание уделял философии суфизма.

Ключевые слова: Болтаев М.Н., независимость, история философии, философия суфизма, накшбандия.

BOLTAEV M.N. – A TEACHER WHO DEVELOPED THE HISTORY OF PHILOSOPHY IN THE ERA OF INDEPENDENCE

Navruzova Gulchekhra Nigmatovna

Professor, Doctor of Philosophy, Department of Social Sciences and Physical Education, Bukhara Technical University Tel:

premium.progress@mail.ru

Abstract: The article is based on the work of Honored Scientist of Uzbekistan, Doctor of Philosophy, Professor Boltaev Muhammad Nazarovich (16.10.1928 - 08.03.2009), who developed the history of philosophy during the period of independence and paid special attention to the philosophy of Sufism.

Key words: Boltaev M.N., independence, history of philosophy, philosophy of Sufism, Naqshbandiyya.

КИРИШ

Мустақиллик даврида Ўзбекистон файласуф олимлари фалсафа фанини янги методология асосида ўргана бошладилар. Айниқса фалсафа тарихини тадқиқ этишга туб бурилиш ясалди. Мустақиллик даврида дунёвийлик ва динийлик масалаларининг диалектикасига янги ёндашувлар вужудга келди. Фалсафа тарихини тадқиқ этишда метофизик, телеологик, герменевтик, синергетик, компаративистик ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб борилди. Шунингдек фалсафа тарихида тасаввуф фалсафасига ҳам эътибор қарата бошладилар. Тасаввуф фалсафасини инсоншунослик, ўзликни англаш ва камолот йўли сифатида ўрганишни бошлаган ва бу соҳада ўз мактабини яратган устозлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович (16.10.1928 - 08.03.2009) бўлиб ҳисобланадилар. Бу мактаб тажрибасини ўрганиш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга ва ёш авлодни баркамол инсон бўлиб камол топишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллик давригача Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович асосан энциклопедик олим Абу Али ибн Сино ва унинг мактабида билиш ва мантик масалаларини фалсафий таҳлил этган забардаст файласуф олим сифатида танилган [1]. Мустақиллик даври М.Н.Болтаев илмий ижодларига туб бурилиш ясади. Бир томондан Ибн Синонинг маънавий меросини янгича методология асосида ўргана бошлаган бўлсалар [2,4-6], иккинчи томондан тасаввуф тарихига оид янги асарлар ёзиб [3,7], шогиртларига шунга оид мавзулар бера бошладилар [9,10,12]. Шогиртлари Нақшбандия таълимотини мукамал ўргана бошладилар [8,11]. М.Н.Болтаевни мустақиллик давридаги фалсафа тарихига оид ишлари тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил асосида юритилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Муҳаммад Назарович Болтаев ҳақларида номзодлик диссертацияси тадқиқотлари даврида эшитганман ва у кишининг илмларига ҳавас қилганман. Номзодлик диссертациясининг ҳимоясидан кейин

Ўзбекистонда мустақиллик даври бошланди. Бу даврда фалсафий тафаккурда туб бурилиш бўлди. Динийлик ва дунёвийликни ўзаро муносабат диалектикасига янгича ёндашувлар вужудга келди. Менда яна илмий ишни давом эттириш истаги туғилди. Бухоройи Шарифда туғилган ва камол топган устоз М.Болтаев Бухорога келганлари ва университетда ишлаётганларидан хабар топдим. Илмий тадқиқот мавзуси билан маслаҳатлашиш учун устознинг ёнларига бордим.

Устоз М.Н.Болтаев билан биринчи учрашганимда, у кишининг жуда юксак салоҳиятли файласуф олим эканликларини гувоҳи бўлдим. Мен мақсадимни айтганимда устоз: “Фалсафа тарихидан илмий изланиш олиб боринг. Ҳозирги мустақиллик давримизда фалсафа тарихидан ўрганиш жуда долзарб бўлган мавзулар кўп. Ўйлаб кўринг. Фаридуддин Аттор, Жалолоддин Румий ёки Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини манбалар асосида ўрганиб, фалсафий таҳлил этиш жуда зарур. Танланг, бир қарорга келганда яна ёнимга келасиз”, деб таъкидладилар.

Мен устоз айтган мавзулар ҳақида тафаккур қилиб, Бухорода туғилган ва шу ерда тасаввуфий Нақшбандия таълимотини асослаган улуғ инсон Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини ўрганишга қарор қилдим. Устозга бу қарор жуда маъқул бўлди. У киши бу мавзунини ўрганиш биз бухороликлар учун вазифа эканлигини тушунтирдилар. Устознинг розиликларини олгандан кейин илмий тадқиқот ишини бошлаш учун мавзуга оид манбаларни излай бошладик. Бухоро шаҳридаги музей кўриқхонасида сақланаётган Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд” асарини топиб шаҳримизнинг зиёли инсони Қосим ота номи билан машҳур Иброҳим Қосимов ёрдамлари билан манбани таржима қилдик. Душанбе шаҳридаги Фирдавсий номидаги кутубхонадан Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ут-толиббин ва уддат ус-соликин” асарини топиб бу манбани ҳам таржима қилишга муяссар бўлдик. Мақомот ва маноқибдаги маълумотлар асосида диссертацияни тайёрлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари билан маслаҳатлашишга бордик. Улар бу икки манба етарли эмаслигини ва бошқа мавзунини танлашни тавсия этдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўллари ва таълимотлари инсон камолоти учун жуда керакли эканлигини қалбим билан ҳис этдим. Менга шундай мавзунини тавсия этган устозимдан жуда миннатдор эдим. Устознинг ёнларига бориб мавзу бўйича айтилган фикрларни билдирдим. Устоз мени хафалигимни кўрдилар ва шундай айтдилар: “Сиз тўғри йўлдасиз. Бу мавзу инсонларга икки олам саодатини ҳадея этади. Ҳали бу таълимотни ҳамма ўрганади. Сиз мавзунини ўзгартирманг. Суқрот буюк шахс. Суқротнинг ўзи ёзган асари йўқ, аммо унинг шогирди Афлотун ўзининг асарларида Суқротнинг фикрларини келтирган. Изланинг Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам шогирдлари бор, улар ҳам асар

ёзганлар, аниқлаб иқтибос бериб таҳлил этинг. Муҳаммад с.а.в. бирон асар ёзганлари йўқ, лекин у кишининг ҳар бир сўзлари ҳадис бўлиб сақланмоқда ва уларни муҳаддислар ўрганмоқдалар.” Устозни бу фикрлари менга куч – қувват ва қанот бўлди. Изланишлар натижасида Баҳуддин Нақшбанднинг шогирдлари Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарларини топишга мушарраф бўлдим. Бу асарда Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид айтган қудсий каломлари, яъни ҳикматли сўзларни жамлаб шарҳлаган. Бу манба мавзунини асослашга анча имкон берди. Шу даврда Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул ҳаёт” асарини Маҳмуд Ҳасаний таржима этдилар. Бу асарнинг ўзбек тилида нашр этилиши Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотидаги ўн бир тамойилни фалсафий таҳлил этишга имкон берди.

Изланишларимиз натижасида Россия Фанлар Академиясининг Санкт-Петербургдаги филиалида сақланаётган Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласини топдик. Бу рисола ни араб тилидан таржима этиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг олам ва одамга бўлган қарашларини аниқлаб, таълимотини борлиқ, инсон ва билишга оид фалсафий таҳлил этдик.

Устоз М.Н.Болтаев ҳар бир қилаётган ишимиздан хабардор ва бизга йўл кўрсатувчи эдилар. У киши мен билан тожик тилида гаплашар эдилар. Менга: “Шаш тарафро омўзед”, яъни “Олти томонни ўрганинг”, деб бир неча марта топшириқ бердилар. У киши бир фикрни айтардилар, уни очишни ўзимизга вазифа қилиб берардилар. Сўраганимизда ҳам ўйланг, тафаккур қилинг деб кулиб кўяр эдилар. Мен устозим олти томон деганда нимани англашим лозимлигини узоқ ўйладим. Рашҳаларни таҳлили пайтида бу инсоннинг олти томони эканлиги ва инсон камолотга етса қалбида олти томон ҳам кўзгудек акс этишини англадим. Устозга фикримни айтганимда кулиб кўйдилар ва кўпроқ бу масалага етибор беринг дедилар.

Нақшбандия таълимотини ўрганиш жараёнида ҳали бу масалани ўрганилмаган кўп жиҳатлари борлигини англай бошладим ва илмий тадқиқот олиб бормоқчи бўлган ёшларга устозим билан маслаҳатлашган ҳолда тасаввуфга оид мавзуларни тавсия эта бошладик.

Устозимнинг маслаҳатлари ва раҳнамоликларида 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий кенгашида “Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси” мавзунда докторлик диссертациясини ёқлаб фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлдим. Бу бахт куши устозимнинг мададлари, қўллаб-қувватлашлари, ишончлари ва далолатлари билан бошимга кўнди.

Устозим бу ишни мунтазам давом эттиришни, тўхтаб қолмасликни таъкидладилар. Фалсафа фанлари доктори дипломини олиб, профессор бўлган

чоғимда ҳам бир нафас ҳам шу мавзу устида фикрлаш ва изланишдан тўхтаган эмасман. Шогирдларим Гуландом Юнусова - тасаввуфнинг Қодирия таълимотини, Холидахон Рахматова - Хожа Ахрор Вали, Фируз Музаффаров - Абу Ҳомид Ғаззолий, Зубайдулло Нарзиев - Ҳужвирий, Санжар Муродов - Фаридуддин Аттор, Малика Норова - Сайфиддин Боҳарзий, Раъно Раупова - Хожа Исмаи Бухорий, Дониёр Ғаффоров - Махдуми Аъзам, Лола Каримова - Абдурахмон Жомий, Лазизбек Ҳайитов - Ҳаким Термизий, Беҳзод Дехқонов – Хожагон таълимоти, Икромжон Жабборов - Нажмиддин Кубро мавзуларида докторлик(PhD) диссертацияларини ёқладилар. Бобир Намозов - Муҳаммад Порсо, Шарипова Ойгул - Абдулхолик Ғиждувоний, Музаффаров Феруз - Ғаззолий, Зойиров Эркин - Яъқуби Чархий, Рахматова Холидахон - Хожа Ахрор Вали, Пардаева Марҳобо - Навоий ва Нақшбандия мавзуларида докторлик (DSc)диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Буларнинг ҳаммаси устозимнинг шарофати, башорати, маслаҳатлари, меҳру-муҳаббат ва бағрикенгликлари туфайлидир. Ҳозирги кунда ҳам шогирдларимиз Барноев Санжар ва Нуннунова Гулзода - Юсуф Ҳамадоний, Ҳайдархон Йўлдошхўжаев - Мусохон Даҳбедий, Кенжаева Зумрад - тасаввуфда шукр, Рахматова Дилдора – Ориф Ревгарий ва бошқалар тасаввуф бўйича тадқиқот олиб бораптилар.

Устознинг бевосита раҳбарликларида илмий иш қилган шогирдлари ўз илмий мактабларини яратганлар.Фалсафа фанлари докторлари профессорлар Ҳусейнова Абира Амановнанинг 22 та (17 та (PhD), 5 та (DSc)), Намозов Бобир 7 та (PhD), Шарипова Ойгул 2 та (PhD), Сафарова Нигора 25 та (20 та (PhD), 5 та (DSc)), Каримов Бобир 4 та (PhD) шогирдлари ҳимоя қилдилар. Уларнинг кўпгина шогирдлари илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. Бу устоз М.Н.Болтаев эккан илм дарахтининг илдизи жуда чуқур ва шохалари жуда бақувват эканлигидан далолат беради.

Қалдирғоч шогирдим фалсафа фанлари доктори, профессор Гуландом Юнусова раҳбарлигида Асрарова Муҳаббатхон “М.Н.Болтаев илмий- фалсафий меросининг умуминсоний аҳамияти (фалсафий таҳлил)” мавзусида 30-май 2025 йилда докторлик диссертацияси(PhD)ни ҳимоя қилдилар. Устозим илмий фаолиятларини фалсафий таҳлиliga бағишланган бу диссертацияга оппонент бўлиш менга юклатилган эди. Тадқиқотчи имкониятлари даражасида устоз М.Н.Болтаев ҳақидаги манбаларни тўплаб ОАК талаби асосида диссертацияни ёзган. Аммо, Муҳаммад Назаровичнинг ҳар бир ёзган асарлари бир диссертация мавзуси бўла олади. Биз шогирдлар олдида бу масалани мукамал ўрганиш вазифаси турибди.

Муҳаммад Назаровичнинг охириги кўнғироқлари.... Вафотларидан бир ҳафта олдин устоз менга кўнғироқ қилиб, фалсафада инсон масаласини ўрганишга жиддий эътибор бериш кераклиги вазифасини топширдилар. Инсон жамъ этувчи

борлиқ эканлигини таъкидладилар. Устозимиз Муҳаммад Назарович зоҳиран Кичик Олам бўлсаларда, аммо ботинан Улкан Олам эдилар. Устозимиз бизнинг қалбимизда энг нузли, энг зиёли, энг иқтидорли файласуф олим ва комил инсон сифатида абадий нақшланиб қоладилар. Руҳлари шод бўлсин ва бизларни у кишига муносиб шогирд бўлишга Оллоҳ тақдир қилсин!

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович мустақиллик даврида фалсафа тарихининг тасаввуф фалсафаси соҳасига асос солдилар.

2. Болтаев М.Н раҳбарлигида тасаввуф ва унинг хожагон ҳамда нақшбандия таълимоти мавзуларида илмий тадқиқотлар олиб борилди ва қатор асарлар нашр этилди.

3. Болтаев М. Н раҳбарлигида фан доктори даражасини олган ва профессорлик илмий унвонини олган муяссар бўлган Ҳусейнова Абира, Сафарова Нигора, Намозов Бобир, Каримов Бобир, Шарипов Ойгуллар ўз мактабларини яратганлар. Бу илмий мактаблар М.Н.Болтаев бошлаган ишни давом эттирмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. -Д.: Ирфон, 1965. -600 стр.

2. Болтаев М.Н, Икки мутафаккиру мутасаввиф - Абу Али Ҳусайн ибн Сино ва Шайх Абу Саид Абулхайр мулоқоти. / Абу Али ибн Сино ва ҳозирги замон. Республика илмий-амалий семинари материаллари. Бухоро: “Бухоро”, 2005.54-58-б.

3. Болтаев М. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний - инсондўст ҳаким. рифъат шайх. -Б.: Бухоро, 1994.

4. Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый-энциклопедист. -Казань: Мастер лайн, 1999. - 400 стр.

5. Болтаев М.Н. Абу Али Ҳусайн ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. -Б.: Бухоро, 2001.-Б.30.

6. Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина. -М.: Сампо, 2002. -396 стр.

7. Болтаев М.Н. Тасаввуф психологияси. -Б.: Бухоро, 2005. -Б.118.

8. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси: - Фал.фан.док.дис. – Тошкент, 2002. – В.269.

9. Наврўзова Г.Н. Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси // Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ Ренессанси ҳамда ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти:

халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. -Бухоро: Бухорои шариф, 2022. -В.37-43.

10. Наврўзова Г.Н. Тасаввуфшунослик мактабини яратган олим // Ўзбекистонда фалсафа тарихи мактаби ва учинчи Ренессанс:халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: ТашГУ, 2022. -В.47-50.

11. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). -Тошкент: Сано-стандарт, 2019. -В.49.

12. Наврўзова Г. Н., Рахматова Х. Муҳаммад Назарович Болтаев – инсоншунос олим // Фалсафанинг долзарб муаммолари:Республика илмий-назарий конференция тўплами. -Бухоро: Бухоро, 2014 й. -В.5.

17.	BO‘LAJAK MUHANDISLARNI KASBIY-KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI Urinboyeva Feruza Zokir qizi	74
18.	O‘ZBEKISTON IMKONIYATLAR MAMLAKATIDA - YOSHLAR SIYOSATI Kutlimuratova Dilfuza Sharjau qizi	78
19.	БОЛТАЕВ М.Н. – МУСТАҚИЛЛИК ДАВР ФАЛСАФА ТАРИХИНИ РИВОЖЛАНТИРГАН УСТОЗ Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна	85
20.	ЯНГИ ЎЗБЕКISTON –БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ НАМУНАСИ М. С. Сапарова	92
21.	THE IMPORTANT EFFECT OF GLOBALIZATION ON CULTURE G‘iyosova Sevara Nodir qizi	96

Eslatma! “Talqin va tadqiqotlar” ilmiy-uslubiy jurnaliga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma’lumotlar haqqoniylikiga va keltirilgan iqtiboslar to’g’riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

Bosh muharrir

Abdumannonov Islomjon Ikromjon o’g’li

Mas’ul muharrir

Isroilov Ozodbek Saydullajon o’g’li

Nashrga tayyorlovchi

Abdullayev Ravshanjon Inomjon o’g’li

“Talqin va tadqiqotlar” ilmiy-uslubiy jurnali, 2025-yil. 103 bet.

© Talqin va tadqiqotlar, Farg’ona.

© Mualliflar jamoasi.